БЕРУНИЙ МУЗЕЙИ МАЖМУАСИ

НУКУС. Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1025 йиллигига муносиб совға ҳозирланмоқда. Ғазна шаҳридаги қабрдан олинган табаррук тупроқни энди аллома юртдошлари ҳам зиёрат қиладиган бўлишди. Беруний музейи мажмуаси қуришга қарор қилинди. Музей Беруний номи билан аталувчи 11,5 гектарлик боғда тикланади. Унда музей-мавзолей, Беруний ҳайкали, чойхона ва меҳмонхона бўлади. «Беруний авлодлари» республика жамғармаси қурилишнинг асосий пудратчиси—372-туманлараро кўчма механизациялаштирилган жамланма бу ишларни амалга оширади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ИШИМИЗ ЭНДИ ЮРИШАДИ

СУРХОНДАРЁ. Олтинсой туманининг Хўжасоат қишлоғида 4-5 йил аввал «Ғолиб» кичик корхонаси очилганди. Бу корхона фирмага, фирма эса агрофирмага айланди. Кунига 50 тонна помидорни қайта ишлаш цехи қурилди. Майиз, қуруқ мевани вакуумли қадоқлаш йўлга қўйилди.

— Туман ҳокимлиги бизга 150 ґектар ер ажратди, — дейди агрофирма бошлиґи Йўлдош Турдиев. — Ишимиз энди юришадиганга ўхшайди. Бу ерда мева-сабзавот етиштирамиз. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликни йўлга қўямиз.

Олимжон УСАНОВ.

ЙОДЛАНГАН ОШ ТУЗИ

НАВОИЙ. Электрокимё заводи қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши доривор ва химикатлар ишлаб чиқаради. Лекин корхонада истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ҳам эътибор катта. Шулардан бири ош тузидир. Вилоят ҳудудидаги туз конларидан олинган маҳсулотни сифатли қадоқлаб, йодлаштириш йўлга қўйилди. Ҳозир ойига 300 тонна сифатли туз тайёрланмоқда. Келгусида 500 тоннагача маҳсулот чиқариш кўзда тутилган.

Музаффар ШАРОПОВ

ВОҚЕАЛАР. ХАБАРЛАР.

УЙ БЕКАЛАРИ МАМНУН

«БУХОРОМЕБЕЛЬ» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Россия ва бошқа ҳамдўстлик давлатлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Икки хил меҳмонхона, бир хил ишхона мебеллари мажмуасини тайёрлаш ўзлаштирилиб, харидорлар талаби қондирилмоқда.

— Ишлаб чиқаришда поток усулини қўллашимиз маҳсулот хилини 12 тага етказишга имкон берди,— дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Даврон Мўминов. — Ҳозир ойлик маошга қўшимча ҳар бир акцияга 600 сўмдан дивиденд беряпмиз.

Даврон БАҲРОНОВ.

РАҲБАР ХОДИМЛАР ЎҚУВИ

СИРДАРЁ. Гулистонда вилоят қишлоқ хўжалиги бўйича раҳбар ходимларнинг бир ҳафталик ўқув семинари бўлиб ўтди. Иштирокчилар қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама этдилар, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришга оид маърузалар тингладилар. Ўқув иштирокчилари ҳузурида вилоят ҳокими Ўктам Исмоилов нутқ сўзлади.

Абдужалил УМАРОВ.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМНИ ОШИРИБ

ХОРАЗМ. Урганч шаҳар ҳокимлиги қошида фаолият кўрсатаётган жамоатчилик ҳуқуқий-маърифий маркази ХДП шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни кенг ёйиш, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини оммага етказишда саъй-ҳаракат қилмоқда. Партия фаоллари ва 100 кишилик тарғиботчи корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда қизиқарли давра суҳбатлари уюштирмоқдалар. Бундай суҳбатлар учун 300 дан ортиқ мавзу танлаб олинган.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 17 март, сешанба • № 33 (22.270).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ВАТАН ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ўтказилган сим орқали кенгашда плёнка остига чигит экиш, техника таъмири ҳамда далаларни экишга тайёрлаш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё ва Навоий вилоятларининг айрим хўжаликларида баҳорги дала ишлари талаб даражасида эмаслиги таъкидланди. Шунингдек, чигитни плёнка остига экиш усулини янада оммалаштириш зарурлигига эътибор қаратилди. Мамлакат бўйича чигитни плёнка остига экишни 15 апрелгача, чигитни ялписига экишни эса 25 апрелгача тугаллаш лозимлиги уқтирилди.

***

Агросаноат мажмуи учун кадрлар заҳирасидаги ёш мутахассислар апрель ойидан бошлаб Наманган вилоятининг илғор хўжаликларида малака оширадилар. Бу тадбирдан кўзда тутилган мақсад — ёш мутахассисларнинг ихтисоси даражасини оширишдир. Улар бир йил давомида хўжаликлар раҳбарлари билан ёнма-ён туриб ишлаб, уларнинг фаолияти билан муфассал танишади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча босқичларини ўрганади.

***

Тошкентда баскетбол бўйича эркаклар командалари ўртасида Осиё чемпионлари кубоги ўйинларининг дастлабки босқичи ниҳоясига етди. Унда Ҳиндистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон спортчилари иштирок этди. Юртимиз баскетболчилари Осиё чемпионлари кубогининг финал босқичига йўлланма олишди.

Финал ўйинлари келгуси ойда Малайзияда ўтади.

***

Олимпия шон-шуҳрат музейида Ўзбекистон альпинистлари дунёдаги энг юксак чўққи — Эверестга уюштириладиган экспедицияда иштирок этишига бағишланган матбуот конференцияси бўлди.

Май ойида бўладиган бу муҳим воқеада юртдошларимиздан 12 нафари қатнашади.

***

Қўқондаги электр машинасозлик заводида Асаканинг «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилаётган барча русумдаги автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни кунда қўқонликлар «Нексия» ва «Тико» автомашиналарининг давлат номери белгиларини қўйиш учун махсус мослама, «Дамас» учун иситиш печлари корпуси, «Тико»нинг аккумулятор тутгичларини ишлаб чиқармоқда.

(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди)

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги Темир йўлчилар маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши ҳунарманд»ларнинг «Ташаббус-97» танлови якунланди.

Якунловчи танловда Қорақалпоғистон Республикаси, туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида ўтказилган танловда ғолиб чиққан 41 нафарга яқин тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен «Ташаббус-97» танлови ғолибларини табриклади.

Шундан кейин республика танлови ғолибларининг номлари эълон қилинди. Танлов ҳайъатининг қарорига кўра Бухородаги «Совға» зардўзлик марказининг раҳбари Бахшилло Жумаев «Энг яхши ҳунарманд», Фарғона туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалигининг вакили Шукурмирзо Аҳмедов «Энг яхши фермер» ва Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Гулнора» хусусий фирмасидан Гулчеҳра Ҳайдарова «Энг яхши тадбиркор» деб топилди.

Танлов ғолибларига тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — Бахшилло Жумаевга «Тико» енгил автомашинаси, Шукурмирзо Аҳмедовга «Дамас», Гулчеҳра Ҳайдаровага «Нексия» автомашинаси топширилди. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганларга ташкилотчи ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совринлар берилди.

Кўргазма очилиши маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

«Ташаббус-97»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 17 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	56,43
1 Австрия шиллинги	6,55
1 Англия фунт стерлинги	139,94
10 Бельгия франки	22,35
1 Голландия гульдени	40,86
10 Греция драхмаси	2,55
1 Дания кронаси	12,08
1 БАА дирхами	22,82
1 АҚШ доллари	83,83
1 Миср фунти	24,66
1 Ирландия фунти	115,77
1 Исландия кронаси	1,16
10 Испания песети	5,44
100 Италия лираси	4,68
1 Канада доллари	59,36
1 Хитой юани	10,13
1 Қувайт динори	274,91
100 Ливан фунти	5,49
1 Малайзия ринггити	22,35
1 Германия маркаси	46,04
1 Норвегия кронаси	11,07
1 Польша злотийси	24,37
10 Португалия эскудоси	4,51
1 Сингапур доллари	52,17
1 СДР	112,70
1000 Туркия лираси	0,36
1 Финляндия маркаси	15,20
1 Франция франки	13,73
1 Швеция кронаси	10,56
1 Швейцария франки	56,70
1 ЭКЮ	91,32
10 Жанубий Корея вони	0,57
10 Япония иенаси	6,51
1 Россия рубли	13,77
1 Украина гривнаси	41,16
1000 Белорусь рубли	2,52
1 Латвия лати	141,84
1 Литва лити	20,96
1 Молдова лейи	17,78
1 Қирғизистон соми	4,64

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

АРТУРНИНГ ОЛТИНЧИ ҒАЛАБАСИ

Ҳамюртимиз, беш карра жаҳон чемпиони, профессионал рингда «Қирол» номи билан танилган Артур Григорян 14 март куни Германиянинг Гамбург шаҳрида ўзининг жиддий рақиби Марко Рудолф билан учрашди. Жиддий деганимизнинг боиси бор, албатта. Марко профессионал рингда 15 та жанг ўтказиб, шундан 14 тасини соф ғалаба билан тугатган. Устига устак 61 килоли 10 нафар энг кучли профессионал боксчи рўйхатининг саккизинчи қаторини банд қилиб турибди.

«Қирол»нинг тўла ишонч билан жанг менинг фойдамга ҳал бўлади деганини эшитиб, кўнгилимиз хотиржам бўлган эди. Йигит сўзидан, деганидек бу ишончни Артур тўлатўкис оқлади. Бундан етти йил олдинги рақиби Маркодан бор-йўғи 6 раундаёқ боплаб «ўчини» олди. Олтинчи бор ҳам олтин камарни ҳимоя қилиб рингга чиққан ҳамюртимиз Артур Григорянни яна бир бор 23 миллионли ҳамюртлари номидан табриклаймиз ва



профессионал рингнинг ҳақиқий «Қирол Артури» деймиз.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Кеча инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг 54-сессияси ўз ишини бошлади. Ушбу комиссия аъзолари бўлмиш 53 давлатнинг вакиллари 6 ҳафта мобайнида дунёда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва асосий эркинликлар борасидаги бугунги кундаги вазиятни муҳокама қилишади. Айниқса, Афғонистондаги, Исроил томонидан босиб олинган араб ерлари, Фаластин, собиқ Югославия, Куба, Ироқ, Эрон, КХДР ва бошқа мамлакатлардаги инсон ҳуқуқларини поймол этиш масалалари кўриб чиқилади. Чехия Президенти Вацлав Гавел ва Франция бош вазири Лионель Жоспен сессия иштирокчиларига мурожаат қилишади.

***

НАТО бош котиби Хавьер Солана Косоводаги вазиятни муҳокама қилиш учун Испания ҳукуматининг собиқ раҳбари Филиппе Гонсалес билан учрашди. Чунки Гонсалес ушбу Сербия вилоятидаги инқирозни бартараф этиш мақсадида Европада ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик кенгаши ҳамда Европа Иттифоқининг вакили сифатида иштирок этмоқда. Мадридда бўлиб ўтган учрашув жараёнида Шимолий Атлантика иттифоқининг раҳбари агар Югославия халқаро ҳамжамият вакиллари унинг олдига қўйган шартларга пайшанба кунгача кўнмаса у ҳолда Югославияга қарши қаттиқ иқтисодий ва сиёсий чоралар кўрилади, деди.

***

Кеча Арманистонда мамлакат президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Давлат раҳбари лавозимига 12 номзод даъвогарлик қилмоқда. Ижтимоий сўровларга биноан Арманистон давлатининг раҳбари лавозимига ҳозирги бош вазир Роберт Качарян ва собиқ совет Арманистонининг собиқ раҳбари Карем Демирчян асосий даъвогар бўлиб туришибди. Қолган 10 номзодни кўздан кечирадиган бўлсак, миллий демократик иттифоқ раҳбари Вазген Манукяннинг имкониятлари кенгроқ. Қолган номзодлар эса ғалабадан умидларини узиб қўйган кўринадилар.

***

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук ўзининг Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб дипломатик сафарини Қоҳирадаги музокаралардан бошлади. Буюк Британия вазири сафари давомида Миср, Иордания, Исроил, Фаластин маъмурияти, Сурия ва Ливан раҳбарлари билан учрашади. Британия ташқи ишлар вазирининг баёнотига кўра Кукнинг Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнининг боришига қизиқиши уни бу ерга етаклаб келган. Икки томонлама муносабатлар ва Бағдод келишувига эришилганидан сўнг Ироқ тевараги да юз берган ҳозирги вазият муҳокама қилинади.

«ОТ ЧОПСА ГУМБУРЛАР ТОҒЛАР ДАРАСИ...»



Хатирчи туманидаги «Олтинсой» жамоа хўжалигида «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари соврини ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган кўпкари бўлиб ўтди. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Хатирчи туман ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этган бу беллашувда мамлакатимизнинг кучли чавандозлари қатнашди.

3-бет

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДИР

Далил ва таҳлил

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг кейинги етти йиллик якунлари мамлакатимиз танлаган иқтисодий моделнинг аниқ ва тўғрилигидан далолат бермоқда. Бугун уни обрўли халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тан оляпти. Энг муҳими, танланган йўлимиз асосли эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 февралда бўлиб ўтган 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, республикамизда макроиқтисодий барқарорликка эришиш барасида ўтган йилларда қўлга киритилган ижобий натижалар янада мустаҳкамланди. Иқтисодий ўсиш учун ишончли пойдевор яратилди.

Мисол учун, **ўтган йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулот 5,2 фоизга ўсди**. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ошди. Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига 3,2 фоиз кўпайтириш имконини берди.

Ўзбекистон бундай натижаларга қандай қилиб эришди? Иқтисодий ривожланишнинг ўзбек модели нималарга асосланади? Унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Бу ҳақда гап кетганда, энг аввало йўлбошчимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, мустақилликнинг илк йилларида шаклланиб, тараққиёт моделимизга асос бўлган **беш тамойилни** эслатиб ўтиш жоиздир:

биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги;

иккинчидан, давлатнинг бош ислоҳотчи экани;

учинчидан, ҳаётнинг барча соҳасида қонун устун туриши;

тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат;

бешинчидан, бозор муносабатларига тадрижий равишда ўтиш.

Маълумки, собиқ советлардан кейинги маконда ташкил топган кўпгина мустақил давлатлар бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврида ички ва четдан қарз олинган валюта заҳираларининг катта қисмини энг аввало хориждан истеъмол буюмлари келтиришга сарфлади. Бунинг натижасида ички бозорда ишлаб чиқилган маҳсулотлар сиқиб чиқарилди, йирик корхоналарнинг аксарияти рақобатга дош беролмай касодга учради. Шу тариқа миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги инқирозга юз тутди, давлатларнинг четдан қарзи ошиб борди.

Ўзбекистон аввалбошданоқ бу йўлни инкор этди. Билъакс, ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичларида оғир бўлса-да истеъмол бозорини бир қадар чеклаш эвазига асосий маблағ ва заҳираларни **иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни** амалга оширишга сарфлади. Ўша пайтда йўлбошчимиз ҳар бир корхонанинг **экспортга маҳсулот чиқариши** масаласини қатъий қилиб қўйдилар. Шу тариқа илғор технология базаси билан жиҳозланган замонавий корхоналар барпо этила бошланди. Ўз маблағимиз ва жалб қилинган инвестицияларнинг асосий қисми республикага янги технология ҳамда замонавий техника келтиришга, ҳамкорликда қўшма корхоналар очишга сарфланди.

Шу ўринда иқтисодиётга сармоя ётқизишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтиш керак. Биргина **ўтган йилнинг ўзида 270 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди** ёки бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 17 фоизга ўсди. Мутахассисларнинг фикрича, **инвестициялашнинг бундай юксак суръати кейинги ўн йилда деярли кузатилган эмас.**

Бугунги кунга келиб узоқни кўзлаб қилинган **тадрижий ислоҳотлар сиёсати ўз самарасини бермоқда**. Андижондаги автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Кўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Хоразм вилоятида қанд заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Қўнғирот сода заводи, енгил саноат тизимидаги қатор янги тўқимачилик комбинатлари, «Зарафшон-Ньюмонт» олтин қазиб олиш қўшма корхонаси, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда кимё тармоғи корхоналарининг қайта таъмирланиши, янги темир йўл ва автомобиль йўллари тармоқлари, замонавий телекоммуникация иншоотларининг барпо этилиши шу ислоҳотлар натижасидир.

Ҳозир ички бозорни рақобатга бардошли ўз маҳсулотларимиз билан тўлдиришга қаратилган изчил сиёсат олиб борилмоқдаки, бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ривожланишига туртки бўлмоқда. Бугунга келиб **маҳсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинаётгани ҳам шундан далолатдир.** Пахта, рангли металл каби экспортнинг анъанавий турлари билан бир қаторда ҳозирги кунда четга автомобиль, бензин, калава сингари тармоқ маҳсулотлари сотилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини қатъий равишда қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати бошқа соҳаларда ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу транспорт ва алоқада, қурилиш соҳасида, қишлоқ хўжалигида яққол кўзга ташланяпти. Нефть қазиб олиш, газ конденсати, электр қуввати, қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Пахта хомашёси, ғалла етиштириш ҳам ошди.

Яна бир эришилган натижа: иқтисодиёт ва молияни барқарорлаштиришда сезиларли кўрсаткичларга эришилди. **Инфляция даражаси 1997 йилда 1996 йилга қараганда 2 баравар камайди.** Ўтган йили аҳолининг даромадлари жон бошига кўзда тутилганидан 10,5

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

фоиз ортди. Жамиятимиз учун янги бир жараён ўз таъсирини кўрсата бошлади. Яъни акциялар бўйича тўланаётган дивидендлар ишчи-хизматчиларнинг даромад манбаларидан бирига айланмоқда. Шунингдек, барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушаётганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

Муҳим хулоса шуки, Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишнинг мустаҳкам базаси яратилган. Шу маънода 1997 йил натижаларини собиқ иттифоқдаги бошқа давлатлар натижалари билан таққослаш ўринлидир. Мисол учун, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми 1989 йилга нисбатан ўтган йилда деярли 90 фоизни ташкил қилгани ҳолда МДҲнинг қолган барча давлатларида бу кўрсаткич пасайиб кетган. Дейлик, Молдовада 30-34%, Украинада 35-38%, Қозоғистонда 63-66%, Россияда 61-64%, Қирғизистонда 68-70%, Туркманистонда 55-57%, Тожикистонда 33-35%га тенг бўлган.

Энди яна бир салмоқли кўрсаткич: Ўзбекистон собиқ шўролар ҳудудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 1990 йилдаги бошланғич даражадан 12,7%, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6,5% ортган МДҲдаги ягона мамлакат ҳисобланади.

Бу кўрсаткичларни биз ўзимиз чиқарганимиз йўқ. Мазкур рақамлар Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Буюк Британиянинг «Экономист» ҳафтаномаси тадқиқотлари асосида, шунингдек Макроиқтисодиёт вазирлигида тайёрланган материаллардан олинган. Ўзбекистон эришган натижаларни ҳамдўстлик мамлакатлари билан таққослаган ҳолда, шу нарсани таъкидлаш керакки, **бу кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган йўл тўғри эканлигини, Ўзбекистоннинг тараққиёт модели тарих имтиҳонидан муваффақиятли ўтаётганлигини амалда тасдиқламоқда.** Дарвоқе, буни хориж экспертлари ва матбуоти нашрлари ҳам очиқ тан оляпти.

Россияда чиқадиган «Независимая газета»си шу йил 30 январь сонида **«Ўзбекистонда иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши бошқа собиқ совет республикалари учун намуна бўлиши мумкин. МДҲ мамлакатлари орасида ҳаммадан олдин айни Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга эришилгани бунга далил бўла олади»,** деб таъкидлайди.

«Ўзбекистон тараққиётнинг қайси моделига амал қилмоқда — Туркия моделигами, Хитой ёки Жанубий Корея моделигами?», — савол қўяди «Известия» (1997 йил 11 ноябрь сони) газетаси ва **«Ўзбекистон тараққиётнинг Ўзбекистон моделига амал қилмоқда»,** — дея таъкидлай туриб, шу ўринда Президентимиз Ислом Каримов фикрини келтиради: «Биз ўз давлатимизни қураётган эканмиз, қуйидаги тамойилларга асосланамиз.

Биринчи тамойил — аждодларимизнинг қадимий маданиятдаги барча улуғвор қадриятларни тиклаш.

Иккинчиси — буюк меросимизни жаҳон цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш.

Учинчиси — Ўзбекистон улкан ресурсларга эга. Фақат минерал хомашё, фақат пахта эмас, фақат олтин ёки бошқа нарсалар эмас, яъни республика эга бўлган тўртинчи ресурс — улкан ақлий салоҳиятдан иборат».

Дарҳақиқат, бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос ва мос хусусиятлари ҳамда шароитларини, анъаналари ва турмуш тарзини ҳар тарафлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги бир ёқлама ривожлантиришнинг аянчли меросига барҳам беришга асосланади. Айни чоғда Ўзбекистон модели жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш ҳамда ўзгартиришнинг мураккаб йўлини босиб ўтган кўплаб давлатлар тўплаган энг яхши жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган тараққиёт моделидир.

Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашларича, **Ўзбекистон ўз фаолияти натижаларини ҳаққоний баҳолаб, ислоҳотларни амалга ошириш дастурининг зарур жойларига мунтазам равишда тегишли тузатишлар киритиб бормоқда.** Очиғини айтганда, айрим МДҲ давлатлари бунинг акси ўлароқ собиқ тузум иқтисодиёти ақидаларига ёпишиб олган бўлсалар, бошқа бир баъзи давлатлар «фалаж терапияси», ташқи қарзлар ҳисобига иқтисодиётни юксалтириш тамойилларига амал қилмоқда. Ҳатто хаёлотга, утопияга берилиб «бизнинг мамлакатимиз икки минг фалончи йилга бориб, Шарқий Осиё мамлакатлари каби «қоплон»га айланади», деб башорат қилаётганлар ҳам топилмоқда. Албатта, у ёки бу мамлакатнинг қайси йўлдан бориши ушбу давлатнинг ички иши. Шу ўринда ким қандай ният қилса, нияти йўлдош бўлсин, деймиз. Лекин аниқ, амалга ошажак мақсаднинг бўлгани яхши-да. Энди одамларни шўролар тузумидаги сингари «бугунги авлодимиз 80 - йилларда коммунизм даврида яшашади» деган сохта орзулар билан алдаб бўлармиди?

Ислоҳот ислоҳот учун эмас, одамлар учун бўлиши керак. Ўзбекистон аввалбошданоқ шу тамойилга қатъий амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз ислоҳотлар жараёнида тараққиёт ва ҳаёт олдинга олиб чиққан янги муаммолар ва талаблар асосида ўз ислоҳотлар дастурига тузатишлар киритиб боряпти.

Бунинг маъноси шуки, агар МДҲнинг бошқа республикалари ҳанузгача ислоҳотлар бошланган дастлабки йилда ўз олдиларига қўйган вазифаларни ҳал этиш билан банд бўлсалар **(бугунги Россия матбуотига назар ташласангиз, «давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозимлиги», «ислоҳотлар одамлар учун ўтказилиши», «кучли ижтимоий сиёсат зарурлиги» ҳақида энди-энди гап боряпти),** улардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон ислоҳотларни амалга ошириб боришдаги навбатдаги босқичлар туғдирган муаммо ва вазифалар билан машғул.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон **«бир қараганда амалга ошиши қийин вазифаларни ҳал қилиш учун курашмоқда. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон тез ўрганмоқда ва ўрганишдан истиҳола қилмаяпти».** Буни қуйидаги бир мисолда яққол кўриш мумкин: бундан бир неча йил олдин республикамиз Андижон вилоятида енгил автомобиллар заводини ишга туширишни уддалайди деса, ҳамма ҳам ишонавермасди. Бугун эса шундай завод ишламоқда.

Дарвоқе, ДЭУ компанияси билан ҳамкорлик борасидаги музокараларни Ўзбекистон ва Украина бир вақтнинг ўзида бошлаган эдилар. Украина ҳалигача музокараларни охирига етказа олгани йўқ. Ўзбекистон эса икки йилдирки, замонавий автомобиль ишлаб чиқараркан, энди уларни қандай қилиб ташқи бозорда фойдали сотиш, зарур бутловчи қисмларни иложи борича ўзида ишлаб чиқариш каби ёқимли муаммолар устида бош қотиряпти.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон тараққиёти йўлида улкан ишлар қилинганлигини таъкидлаган ҳолда шуни ҳам айтишимиз керакки, ҳали олдимизда маромига етказилиб бажарилмаган бир қатор устувор вазифалар ҳам мавжуд. Бугун қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш, хусусийлаштириш жараёнларини кучайтириб, корхоналарнинг ҳақиқий эгаларини етиштириш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни чоғда одамларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича фикрлаш усулидан ҳоли қилиб, янгича тафаккурли авлодни шакллантиришдек улкан вазифаларни ҳам амалга оширишимиз лозим.

Йўлбошчимиз Ислом Каримов «Известия» газетаси мухбирлари саволларига жавоб бера туриб, **«Биз четга сурилиб, чалғиб сузиб юрадиган музтоғ эмасмиз. Бизнинг ўз кемамиз, унинг елкани, бошқариладиган рули бор. Белгиланган йўл ҳам аниқ»,** — дея қатъий таъкидлагандилар. Бу — Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланиб кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат бўлган тараққиёт йўлидир.

Аслиддин БОЛИЕВ.

МЕҲНАТ, САДОҚАТ, САОДАТ

Бир куни газетага навбатчи эдим. Энди охирги бетни топширмоқчи бўлиб турганимизда Москвадан «шу сонга» деб муҳим расмий хабар келиб қолди. Уни навбатдаги сонга қолдириб кўрингчи, эртасига «тушунтириш» бериб юришга тўғри келарди. Муҳарриримиз Хожиакбар Ғуломов: «Босмахонага тушиб, Исломжонга айтинг, муҳаррир илтимос қилди денг, ўзингиз айтиб турсангиз, Исломжон материални бирпасда бехато териб беради», деб қолдилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Исломжон уч-тўрт қоғозлиқ расмий хабарни бирпасда сифатли қилиб териб берганини ёдимда. Ўшанда газета кечикмасдан вақтида чиқиб кетган.

У оддий ҳарф терувчиликдан дастлаб нашриёт бўлим мудири, кейин бир неча йил директор ўринбосари ва ниҳоят бирлашган нашриётнинг бош директори бўлиб ишлади. Газета, китоб нашр этишнинг барча жараёнларини кўриб, бошидан кечириб, бутун оғирчиликларни елкасида кўтариб, катта ҳаёт мактабида пишди, етилди, қайнади.

Бир куни газетанинг «летучка»си бўлаётган эди. Шунда кечаси навбатчилик қилган ходимлардан бири газетанинг кечикиб чиқишига сабаб ахтариб, кейин: материаллар вақтида терилмайди, хатоси кўп эди, ҳарф терувчилар саводсизларча ишламоқда, деб босмахона ишидан шикоят қилиб қолди. Бунақа вақтда ўша кезлари «летучка»га нашриёт раҳбарлари таклиф қилинарди. Нашриётнинг директори А. Б. Мазор, Ислом Шоғуломов бўлса ўринбосар эди. Директор анча ёшга бориб қолган, бунинг устига қулоғи яхши эшитмасди. «Летучка»га ҳам директор бу сафар ўз ўринбосарини бирга олиб кирди.

— Туширилган материалнинг ўзи сифатсиз тушган экан. Бунинг устига саҳифада яна бўялиб кетган, — деди Ислом Шоғуломов.

Ходимлар бўлса бўш келмай айбни яна босмахонага тўнкайверишгач, Ислом Шоғуломов ўша бўялган саҳифани кўрсатиб:

— мана, ўзларингиз кўрдингизлар-ку, саҳифанинг соғ жойи қолмабди, расм солиб ташлашибди, — деди бироз ҳазиллашиб.

Ислом Шоғуломов ҳақ эди. Айб редакциянинг бўлимларида эканлиги маълум бўлиб қолди. Авваламбор ўша мақола палапартиш туширилганлиги учун айб бўлим мудирида эди, кейин муҳаррирлардан бири уни боплаб таҳрир этган экан.

Ислом Шоғуломов нашриётга директор этиб тайинлангандан сўнг ишлар ўзгача тус олди. Эски машина-ускуналар аста-секин режали равишда ўзгартирила бошлади. Шу билан бирга катта қурилиш ишлари бошлаб юборилди.Эскиб кетган редакция биноларини қайта таъмирлана бошлади. Ботиқ босма цехининг янги биноси ишга туширилди. Нашриётга беш юздан ортиқ янги замонавий машина, ускуналар, техника воситалари келтирилди. Босмахона ишлаб чиқариш майдонлари беш марта кенгайди. Замонавий чет эл машина-ускуналарининг ўрнатилиши маҳсулот сифатининг кескин яхшиланишини таъмин этди.

Нашриёт фойда берадиган рентабел корхонага айлана борди. Бу эса нашриёт жамоатчилигининг моддий-маиший аҳволининг анча яхшиланишига олиб келди. Чимёнда, Қибрайда соғломлаштириш оромгоҳлари қурилди. Нашриёт ходимлари учун кўплаб уй-жойлар, уч юз ўринли ётоқхона барпо этилди.

Бу ишларга ҳар йили умуман 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда эди. Айниқса, пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн бўлиб қўшилган редакциялар учун қурилган 16 қаватли мармар кошона, етти қаватли янги кўркам бино республикамизда матбуот ишларининг ривожида муҳим омил бўлди.

Ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврининг ўз қонуниятлари бор.

Нашриётнинг ҳам бозор иқтисодиёти муносабати билан тўловлари миқдори ўсиб бормоқда. Электр, газ, қоғоз, бўёқ,турли ускуналар сотиб олиш, уларни ремонт қилиш, улкан биноларни таъмирлаш, буларнинг барчаси маблағ талаб. Иқтисодий қийинчиликларга бардош бериб, шундай катта нашриётни ўзўзини оқлайдиган қилиб сақлаб туриш ҳар кимнинг қўлидан ҳам келавермайди. Ислом Шоғуломов ишдан четлаштирилган даврида нашриёт ўтириб қолганлиги, зарарга ишлаганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку. Янги директор ишга қайтиб келгандан сўнг «Шарқ» нашриёт-матбаа концернни ўзини қайта тиклаб, фойда берадиган, имтиёзли корхонага айланиб қолганлигини ҳам ҳамма билади.

Мен Ислом Шоғуломовнинг одатини жуда яхши биламан. Катта газетада ишлаган кезларимда муаммоли масалаларни ҳал этишда баъзан нари-берига бориб қолган вақтларимиз бўлган. Унинг қизиқ одати бор: эгилганга эгиларди, ғўдайганга боплаб жавобини берарди. Агар ҳақ, тўғри иш бўлса пайсалга солмай тезда ҳал этиб, кўнглингизни кўтариб чиқариб юборарди.

«Жаннатнинг калити фақирбечораларнинг кўнглини кўтаришдадир», дейилади Ҳадиси шарифда. Мен Ислом Шоғуломовнинг меҳр-шафқатидан баҳраманд бўлган жуда кўп одамларни биламан. Камбағал, ўз маоши билан кун кечирадиган ҳалол одамларни уй-жой билан таъминлаётгани, қўлидан келганча саховат кўрсатганининг гувоҳиман. Машина ҳайдовчи ёки ишчи, техник, фахрийларга қўлидан келганча ёрдамини аямайди. Ўз атрофидаги бирга ишлаб келаётган ҳамкасб дўстлари билан ҳам худди ака-укадек, бир қарасангиз ошхонада улар билан биргалашиб овқатланаётганининг гувоҳи бўласиз. Ишга келганда талабчан. Топширилган ишни бажармай кўришсин-чи, ҳозиргина латифа айтишиб турган хушчақчақ одам бир пасда талабчан, айтган ишини қилдирадиган қаттиққўл директорга айланади.

Тўрт ярим йилдан ортиқ нашриётдан кетиб, четда юрганда нашриётнинг жуда кўпчилик ишчи ва хизматчиларининг талаби билан ўзи ўсиб, камол топган жонажон жамоасига қайтиб келди-ку. Адолатли сайлов чоғида қўйилган икки номзод ичида Ислом Шоғуломов аксарият кўпчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан қайтадан бош директор этиб сайланди.

Ҳозирги кунда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни катта йўлга чиқиб олди. Энди нашриёт янги машина-ускуналарга, замонавий компьютерларга, лабораторияларга эга. Концерн 1996 йилда 500 миллион сўм даромад қилган бўлса, 1997 йилда 830 миллион сўмга етди. Бундан бир неча йиллар мудом Ислом Шоғуломов ишлаган ҳарф терувчи машиналар ўрнига энди замонавий компьютерлар қўйилган. Минг-минглаб газеталарни тез фурсатда сифатли қилиб босиб чиқарадиган, том-том китобларни замон талаблари даражасида қисқа муддатларда чоп этиб ўқувчиларга етказа оладиган қудратли воситаларга эга. Ҳозирги чиқарилаётган газеталарнинг, чоп этилаётган китобларнинг сифати жаҳон андозаларига мосдир.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан чиқарилган қадим тарихимизга оид китоблар, классик ва ҳозирги замон ёзувчи, шоирларининг кўп нусхаларда босилаётган асарлари бунинг исботидир. Самарқанд, Бухоро ҳақида чоп этилган китоблар Париж кўргазмасида юқори баҳоланди.

Истиқлолимиз учун ёниб-жўшиб ишлайверинг, Оллоҳ сизга ҳамиша ёр бўлсин.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

СУРАТДА: Ислом Шоғуломов (ўнгда) ҳамкасблари даврасида.

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

ХДП хабарлари

Ўзбекистон ХДП Навоий вилояти кенгашининг XIV пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Мазкур кенгаш биринчи котиби Даврон Воҳидов ўз аризасига мувофиқ вазифасидан озод этилди.

Навоий вилоят ҳокимлигида масъул лавозимда ишлаб келаётган Рустам Ботиров Ўзбекистон ХДП Навоий вилояти кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ва вилоят ҳокими Ҳаёт Ғаффоров сўзга чиқдилар.

Пленум ишида Марказий Кенгаш котиби Ҳ. Авезов, вилоят ҳокими муовини Л. Юрикова иштирок этдилар.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг XIII пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVIII пленуми қарорлари ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов маруза қилди. У ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар якунини таҳлил этди. Жумладан, Ўзбекистон ХДПдан сайланган Олий Мажлис ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, партиянинг сайланма органлари аъзоларини яқиндан жалб этган ҳолда, аҳолининг турли табақалари орасида партия таъсирини кучайтириш, мамлакатда туб ислоҳотларни амалга оширишда ҳар бир партия аъзосининг фаоллигини кучайтириш лозимлигига тўхталди. Шу билан бирга, сайлов округлари доирасида аҳоли ўртасида олиб борилаётган ташкилий, сиёсий ва маданий-маърифий ишлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда уларни амалга оширишга янгича ёндошиш талаб этилаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотларида Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини, Таълим тўғрисидаги Қонунни, оила манфаатларини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ва маънавий фаоллигини юксалтириш билан боғлиқ бўлган вазифалар ҳам аниқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Тоҳир ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби.

НОРАСМИЙ УЧРАШУВ

Эдинбургда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг норасмий учрашуви бўлди. Икки кун давом этган мазкур анжуманда Европа Иттифоқининг кенгайиши, Яқин Шарқдаги вазият, Кипр муаммоси ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларидаги молиявий инқироз билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, учрашувда Косово муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

ҚОРА ИКРА... МАН ҚИЛИНАДИ

Жорий йилнинг апрель ойидан эътиборан Австралияга четдан қора икра киритиш тақиқланади. Бу қарор Австралия ҳукуматининг халқаро савдо тўғрисидаги конвенцияда акс этган Каспий денгизида сазан балиғи турларини сақлаб қолиш ҳақидаги кўрсатмага жавобидир. Маълумки, Каспий денгизида бундай балиқ турлари йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Маълумотга кўра, Австралия аҳолиси дунёда энг кўп қора икра истеъмол қиладиган мамлакат ҳисобланади. Дунё бўйича ана шу маҳсулот экспортининг асосий қисми ҳам Австралия ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда бу мамлакат «ҳуфя бозор»ида бир килограмм қора икра 500—1500 АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.



Икки соҳил оралиғи.

5 ЙИЛГА 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунернинг баёнот беришича, Тинч океанидаги Бугенвил оролида юзага келган можарони бартараф этиш борасида ўтказилган Канберра музокарасида муайян натижаларга эришилди.

Маълумки, мазкур можаро 1989 йилда бошланган бўлиб, маҳаллий ер эгалари оролдаги мис конининг чет эллик хўжайинига қарши исён кўтарган эди. Натижада ер эгалари ва ҳукумат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашув содир бўлганди. Маълумотларга қараганда, қарийб ўн йил давом этган қуролли тўқнашувлар оқибатида 20 мингга яқин фуқаро ҳалок бўлган.

Канберрада бўлиб ўтган учрашувда ўт очишни тўхтатиш ва ҳукумат қўшинларини оролдан олиб чиқиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш юзасидан музокара ўтказилди. Австралия ҳукумати Бугенвил аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида беш йил давомида 100 миллион АҚШ доллари ажратишга қарор қилди.

ВАЗИР САФАРГА ЧИҚАДИ

Яқин Шарқ можаросини ҳал этиш жараёнини фаоллаштириш мақсадида Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук 15—18 апрель кунлари мазкур минтақа бўйлаб сафарга чиқади. У Миср, Иордания, Фаластин мухторияти, Исроил, Сурия ва Ливанга боради ҳамда давлат раҳбарлари билан учрашади. Музокараларда Ироқ можаросига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши кутилмоқда.

Сафар давомида Р. Кукга Европа Иттифоқининг Яқин Шарқ бўйича махсус вакили Мигел Анхел Моратинос ҳамроҳлик қилади.

БОЛАЛАР «ХАЛҚАРО ЮРИШИ»

Калкутта шаҳрида болаларнинг намойиши бўлиб ўтди. Бу ер юзида болалар меҳнатини суиистеъмол қилмаслик ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилаётган «халқаро юриш» ҳаракатининг давомидир. Калкуттада бўлиб ўтган мазкур намойишда ўндан ортиқ мамлакатдан келган болалар иштирок этди.

Маълумки, бу юриш жорий йилнинг январь ойида Филиппинда бошланган ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги қатор мамлакатларда ҳам бўлиб ўтди. Болалар юриши Ҳиндистондан Африкага, ундан сўнг Лотин Америкасига кўчади ва 1 июнь — Жаҳон болаларни ҳимоя қилиш куни да Женева шаҳрида якунланади.

ГЎЗАЛЛИККА ҚАРШИ ЁВУЗЛИК

Ҳаммасига отанинг ёвуз муносабати сабабчи, деган хулосага келишганди дўхтирлар. Гап германиялик Ханс-Иоахим Больман ҳақида кетяпти. Ёшлигидаёқ қандайдир бузғунчилик қилмаса туролмайдиган касалга учраган Ханс-Иоахим улғайган сари дўхтирларни ташвишга туширишга бошлади. Ниҳоят 1977 йили унинг миясида жарроҳлик муолажасини ўтказишга мажбур бўлишди. Аммо беморнинг васваса касали тузалдию, ёвузликка мойиллиги баттар кучайди. У ҳайвонларни қийнаб ўйнайдиган, парандаларнинг бошини юлиб ташлайдиган одат чиқарди. Ҳатто бир кеча 50 та чинорни арралаб ташлаган.

Тақдирнинг ўйиними, ишқилиб, дераза ойнасини артаётган хотини пастга йиқилиб ҳалок бўлдию, Больман санъат асарлари билан ўчакишиб қолди. У бир йилда 53 та қимматбаҳо расмнинг устидан кислота қуйиб кетди. (Уларнинг орасида Рембрандтнинг «Автопортрет»и ҳам бўлган). Экспертларнинг аниқлашича, бу камида чорак миллиард марка дегани эди.

Бу жинояти билан 5 йил ўтириб чиққан Больман кўп ўтмай қурилиш машинасини ёқиб юборганлиги учун яна 3 йилга қамалди. Унинг бу жазони ўтаб бўлгандан кейинги биринчи иши эса Мюнхендаги бадиий хазинага кириб ўқувчилар кўзи ўнгида Дюреранинг учта тасвирий санъат асари устидан кислота қуйиш бўлди. Бу унинг тузалишга бўлган сўнгги умидни ҳам пучга чиқарган эди. Дўхтирларнинг хулосасига кўра уни махсус қамоқхонадаги махсус клиникага жўнатишди...

Мана шундан бери ҳам ўн йил ўтибди. Бу вақт ичида маҳбус ўзини жуда осойишта тутиб келаётган эди. Бирданига... Ҳа, 60 ёшли Больман ғойиб бўлди, тўғрироғи, қочиб кетди. Ҳозирча ундан ҳеч қандай дарак йўқ. Жаҳон санъати намуналари сақланадиган музейлар эса кутилажак босқинчиликдан сақланиш чораларини изламоқдалар.

Больман касалининг сири эса ҳамон жумбоқлигича қолаяпти.

НУРБЕК тайёрлади.

«ОТ ЧОПСА ГУМБУРЛАР ТОҒЛАР ДАРАСИ...»



ОТ ВА ЗОТ

Шу куни қишлоқ аҳли хўрозларнинг қичқиришиданмас арғумоқларнинг пишқириб кишнашидан уйғонди. Кўпкарини соғинган марду майдонлар аксарият ҳолларда қор учқунлаб турган, аёз ҳам юз-қўлларини чимдиётган бир манзарани хуш кўрадилар. Арғумоқ минган ўғлон қамчи босганда жониворнинг қандай аҳволга тушишини олдиндан сезади. Ҳамиша муродини ҳосил қилиб келаётган бедовга ҳам шароит керакки, у ўз соҳибини манзил сари елдек олиб бориши учун кўпириб, қора терга тушиб қолмаслиги олдини олишга ҳаракат қилинади.

Хатирчига тўпланган марду майдонлар намхуш майдонда, обҳавонинг баҳорий инжиқлигига қарамай қизғин ва муросасиз, суронли баҳснинг шоҳиди бўлиш учун тўпланган томошабинлар ҳузурида улоқ ерга ташланиб, кураш бошлангунга қадар ўз бедовларини у ёқдан бу ёққа елдириб, тобига етказиб туришга ҳаракат қилдилар. Отлиқларни кузатиб турар эканмиз, бугунги кунимиздан, истиқлол берган неъматдан қоларверса, Мустақиллик шарофатидан мамнуният туйғусини дилларимизга туярдик. Ахир яқин ўтмишда ҳам бундай от ўйинлару хўрозбозлик, итбозлик, беданабозликларни эскилик сарқити, деб йўққа чиқаришга ҳаракатлар зоҳир эди-да. Ваҳоланки, бундай кўнгилочар ўйинлар кўп қадимий ва азалий бўлиб, миллатимиз феълини намоён этувчи қадриятларимиздан, урфу одатларимиздан саналади.

От -- йигит қаноти дейишади. Бу борада кўп ривоят, ҳикоят ва достонлар битилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг собит қадамлари ҳам севган арғумоқнинг учқурлиги билан боғлиқ бўлгани ҳаммамизга аён. Гўрўғли ва Алпомишнинг алоҳида дулдулсифат бедовлари бўлганлиги ва улар ҳақида йигитлар орзуманд хаёлларда юришгани маълум. Йўқдан бор, бордан йўқ бўлмайди, деганларидек, Алпомишнинг Бойчибор лақабли ғироти бўлганки, халқимиз ана шу отга кўп сифатлар берган ва умидлар боғлаган. Зеро кўпкарига бориш, от миниш, улоқни тақимга босиш ўзича бўлмайди. Бунинг учун пухта ҳозирлик, жисмоний ва руҳий шайлик тақозо этилади.

Кўпкарини тасаввур этиш учун кекса улоқчининг бир ҳикоясини эслаш фойдадан ҳоли эмас, деган фикрдамиз. Отахоннинг айтишига қараганда, майдондаги жангу жадалда жонивор шундай бир талваса ҳолатига тушарканки, соҳибининг фикри - хаёли, мақсадини ҳис этаётгандай юлқинаркан. Ўша кўпкарида улоқчининг оти устини қурум босган музга тўғри келиб қолган экан. Ўзини тўхтата олмаган от тойиб, қаттиқ депсинганда улоқни маҳкам тутган чавандоз эгардан учган. Бирқанча қадам судралган. Музга юзи билан тушгани учун пешонаси ёрилиб, юз терриси қошининг устига йиғилиб қолган. У ҳушини йўқотган. Уйига олиб борганлар терисини тортиб пешонасини боғлаганлар. Темирчининг дўконидан сув келтириб ичиришган. Чавандоз ўзига келгач, уни суяб, яна отга миндирганлар, майдонга олиб чиққанлар. Ирими шунақа экан. Бундай ҳолатга тушган улоқчини яна ғалағовур тўдага олиб кирилмаса, у ўзига келмай ё гаранг ё жинни бўлиб қоларкан. Ўша чавандоз ҳам отларни кишнашию чавандозларнинг бақириқ - чақириқларидан тийракланиб, отига қамчи босган, энг қизиғи, улоқни олиб чиққан экан...

Хатирчига тўпланиб газеталаримиз мукофотини олиш ниятида ўзларини кўрсатишни дилларига туккан чавандозлар ҳам жониворларини астойдил парвариш қилишгани кўриниб турарди. Кексаларнинг сўзларига қараганда, кўпкарига ҳозирланаётган жониворларни камида қирқ кунгача еми ва сувидан сира толиқтирилмас экан. Ҳатто зўр отларга кунига 25 килогача ем бериларкан. У яхши етилгач, ҳовлига олиб чиқиб боғланаркан. Баъзилар эса отнинг баданини тузли сув билан ювиб юборарканлар. Кўз тегмасин маъносида жониворнинг бойловдан чиққан куни бирор жонлиқ сўйиб, қон чиқариб, дуойи фотиҳа ҳам қилиш иримлари бор экан.

Энди кўпкарига хос айрим сўзлар маъноси билан таништиришга ҳаракат қиламиз. **Така** -- кўпкарига йиғилганлар оёғи остига сўйиб ташланадиган мол. Бундай жонивор 4-5 ёшли така ёки серка бўлиши мумкин. У қанча оғир ва тортишга чидамли бўлса шунча яхши. Кўпкарининг каттакичиклигига қараб бундай улоқлар бештагача ўртага ташланади. Улардан бирини ҳалол хизмати эвазига баковулга берилади. **Баковул** -- чавандоз йигитлар баҳсини бошқарувчи ҳакам. У эътиборли, муҳими ҳалол, кўпкари шартларини биладиган кишилардан бўлиши кўзда тутилган. Баковулга талаблар қўйилади. Ҳатто унинг овози жарангдор бўлиши ҳам эътиборга олинади. Боиси "ҳалол" ёки "бўлди" деб бақирганда ҳамма эшитиши лозим. **Зот** -- кўпкари қатнашчиларига аталган махсус мукофотлар. У пул, мол, ҳар хил буюмлар ва совринлар бўлиши мумкин. **Кўпкари** -- беаёв, қизғин кураш. От судровда оёқни қайириб, синдириб юбориши, эгаси эгардан тушиб кетса, туёқлар тагида қолиб, шикаст топиши ҳеч гап эмас. Улоқчилар баланд пошнали, ҳаккали этик кийишади, қўнжига оёқни сақлаш учун ёғоч тахтачалар қўйиб олишади. Бошларига қалин қилиб тикилган телпак, кафтларига ғилоф кийишади. Ютуқ эса отнинг кучига, эгасининг чапдастлигига боғлиқдир.

АЛПОМИШЛАР БОРДИР БУ ЭЛДА

САЙИЛДА БАЙРАМОНА ШУКУҲ

Ўтган шанба тонгдаёқ Хатирчи даштлари узра карнай-сурнай садолари олис-олисларга таралди. Чор-атрофдан тумонат одамлар, чавандозлар селдек кела бошлади. Бу ёғи Бухоро тарафлардан, у ёғи Самарқанд-у Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё томонлардан чавандозлар от ўйнатиб келардилар. Каттаю кичик, ёш-яланглару нуроний отахонлар, алпқомат йигитлару қиз-жувонларгача томошага ошиқади. Ўркач-ўркач қир-адирлар, тепаликларда томошабинлар. Қуш қанотидан разм солганга гавжум, ажиб манзара кўзга ташланади.

Хатирчиликлар ҳам шунга яраша ҳозирлик кўришган. Ҳар жойга ўрнатилган радиокарнайлар садоси катта тадбирдан дарак беради. Бундай томошаларда тартибни сақлаб туришда ҳам масъулият бор. Буни дилдан ҳис этишга масъул ходимлар эса зийрак. Туман маданият уйи қошида «Чиннигул» ашула ва рақс дастаси катта концерт намойиш этмоқда. Кўпкари мусобақаси олдидан чинакам байрам шукуҳи ҳукм суради.

Газеталарда, ойнаи жаҳон ва радиода бир неча кун қилинган «овоза» барчанинг эътиборини тортган кўринади. Аслида гап «овоза»да эмас. Азалазалдан халқимиз кўпкарининг шайдоси. Алпомишсифат йигитларнинг от ўйинлари ҳамиша катта қизиқиш билан қарши олинган. Улоқчилару мухлислар бисёр. «Алпомиш» достонининг минг йиллиги нишонланадиган йилда ўша афсонавий қаҳрамонимиз издошлари қад ростлаётгандай. Биз буни шунга монанд кўпкаридаги Алпомиш келбатли ўғлонларда кўрдик.

«Олтинсой» жамоа хўжалигининг номи ҳам «рамзий» маънода эмаслигига кўпчилик шоҳид. Бу замин «сой»лари олтинга тенг лаҳзаларни кўрмоқда. Қиру адирларда фақат бахтиёр чеҳраларнигина кўриш мумкин.

Ҳад-ҳудудсиз майдонни чавандозлар эгалладилар. Бир неча сониядан сўнг бу ерда катта кўпкари мусобақаси бошланади. Энг тепаликда мовий - яшил байроғимиз аста - секин кўтарила бошлади. Юртимиз мадҳияси янгради. Барча - барчанинг юз-кўзларида, қалбларида байрам шукуҳи. Биринчи улоқ ташланишини ҳамма бирдек ҳаяжон билан кутмоқда.

Хатирчи туман ҳокими Абдуғани Сафаров мусобақа олдидан барчани қутлаб, шундай деди:

- Юртимизда ҳамиша тўй - тўйларга, байрам - байрамларга уланаверади. «Алпомиш» достонининг минг йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари соврини учун ўтказилаётган республика кўпкари мусобақаси ўзига хос анжуман сифатида Наврўз айёмига уланиб кетаётир. Зотан ушбу анжуман туманимиз аҳли учун Наврўз байрамининг бошланишидир...

«Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталари Бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Азим Суюн, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, шунингдек чавандозликда донг таратган отахонлар, бошқа меҳмонлар ҳам дил сўзларини изҳор этдилар.

АЛИБОЙНИНГ ЙЎРҒАЛАР ОТИ

Ниҳоят, ҳаяжон билан кутилган дақиқалар келди. Биринчи улоқ ташланди. Шу ер фарзанди, чавандозликда довруғ таратган Шароф полвон улоқни майдон узра кўтариб ўтди. Бойчибор мисол оти устида мағрур ўтаётган чавандозни барча олқишлади.



Шу тариқа кўпкари мусобақаси бошланиб кетди.

Томошабинлар кўз олдида ажиб манзара - бундан юз, ҳатто минг йиллар илгари ҳам худди шундай ўйинлар ўтказилган. Ўз даврининг паҳлавон чавандозлари барчани лол қолдирди. Чавандозлар ҳайқириқларидан, томошабинлар олқишларидан ер - кўк ларзага келган. Буларнинг барча-барчасига худди мана шу қир-адирлар, рўйи замин, ўркач-ўркач булутлару бобо қуёш шоҳид бўлса не ажаб.

Ана, ўнлаб чавандозларни доғда қолдирганча улоқни даст кўтарган кўйи жомбойлик Бердиёр Элтоев маррага етиб келди. У совринга рангли телевизор олди!

- Чавандозлик менга ота касбдир, - дейди фахр билан у. - Самарқанд вилоятида Алибой чавандозни билмаган топилмаса керак. Мамлакатимизнинг турли бурчакларида ўтказилган кўплаб кўпкари мусобақаларида отамиз ўз маҳоратини намойиш қилиб, минглаб мухлисларнинг ҳурматига сазовор бўлганди. Бугунги кунда ҳам отамиз отдан тушгани йўқ! Етти нафар ўғилларини чавандозликка ўргатмоқдалар...

УЛОҚ ЧОПИШ - ОТА МЕРОС

Юртимизда сулола оилалар кўп. Чавандозлар сулоласи ҳақида илгари унчалик гапирилмасди. Мустақиллик шарофати ила яна бир азалий қадриятимиз тикланганини фахр - ифтихор билан гапирсак арзийди. Эндиликда ўнлаб чавандозлар сулолалари ҳақида биламиз. Шундай оилалардан бири Хатирчи туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Жўрақул бобо Раҳмоновлар сулоласидир. 86 ёшни қаршилаган Жўрақул бобонинг саккиз ўғли чавандоз! Тўғри, улар турли касб эгалари бўлсада, от миниш «машқи»ни ёддан чиқармайдилар. Умртош, Саид, Салим, Ҳалим, Баҳром, Темур, Икром, Нормаматларнинг ҳар бирини от устида кўрсангиз шуурингизда афсонавий Алпомиш сиймоси жонлангандек туюлаверади. Зотан, бу йигитлар бугунги мусобақада ҳам бобо Алпомиш руҳларини шод этдилар.

Шу тумандаги Сарой қишлоғида истиқомат қилувчи 77 ёшли Мезон бобо Худоёровнинг ҳам саккиз нафар ўғиллари чавандозликка интилаётганликлари ҳақида фахр билан гапириш мумкин. Чинакам мардлар синалган катта майдонда улар ҳам совринлардан бенасиб қолмади албатта.

- Кураш турлари кўп бўлгани каби кўпкари ўйинининг ҳам ҳар бир вилоятда ўзига хос жиҳатлари бўлади, - дейди Чироқчи туманидаги Жарқишлоқ қишлоғидан келган 24 ёшли чавандоз Фахриддин Валиев. - Қашқадарёлик чавандозлар улоқни қўлга киритишда кўпинча бирликда ҳаракат қилишга интиладилар. Бунда улоқни маҳкам тутган чавандозни шериклари ҳимоя қилиши муҳим ўрин тутади.

Қашқадарёлик машҳур Музаффар полвон Раҳматовнинг шогирдлари бўлмиш ёш чавандозлар ҳам гилам ва бошқа қимматбаҳо совринлар соҳиби бўлдилар.

Бухоролик Ҳайдар ва Саид Ашуровлар, нурободлик Абдураҳмон Эркаев синғари ўнлаб ҳақиқий чавандозларнинг майдондаги баҳодирона курашлари бир жиҳатдан афсонавий Алпомишни эслатдиёв.

Кўпкари мусобақаси кечгача давом этди. Озроқ табиат инжиқлигига қарамай, майдон узра чавандозлар ҳайқириғи олис - олисларгача эшитилиб турар, ташланаётган улоқлар қўлма - қўл бўлар, минг - минглаб томошабинлар олқиши оламни тутарди.

Неча асрлардан буён давом этиб келаётган бундай ажойиб кўпкарилар яна минг йиллар оша авлодлар меросига айланиб боришига шак - шубҳа йўқ.

Кескин кураш остида ўтган мусобақаларда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидан Абдураҳмон полвон биринчи, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидан Мардон полвон, Навоий вилоятининг Хатирчи туманидан Шароф полвон иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Ғолибларга соврин ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Саҳифа материалларини Ҳайдар НОСИРОВ, Тўлқин ЭШБЕК, Алимқул СУЛТОН тайёрладилар. Суратларни Ўктам ШАРИПОВ, Шавкат АКРАМОВ, Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 17 mart, seshanba № 33 (22.270).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ЮТУҚЛАР БОР, ВАЗИФАЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ

Эртага мамлакат миллий чемпионати байроғи еттинчи марта кўтарилади

Ҳар сафар шу кунни орзиқиб, энтикиб кутамиз. Бу кун миллионлаб ишқибозлар учун катта қувонч, байрамона кайфият. Боиси, юртимизда футболсеварларнинг сон-саноғи йўқ. Болалар ўз йўлига-ю, катталар ҳам ўша Аргентина, Бразилия каби футбол мамлакатларидагидек чипор тўп ўйинига ошуфталар. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тўбдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг айрим бандлари қандай бажарилаётгани ҳақида мулоҳаза юритайлик. Тўғриси бу муҳим ҳужжатнинг дастуриламал билиб ҳаётга тадбиқ қилиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, қарорнинг муҳим бандлари йўлга қўйилган. Айтайлик, футбол клубларини тузиш, уларга профессионаллик мақомини бериш, шартномалар асосида иш юритиш, ҳокимларни футбол президентлари этиб белгилаш, ўринбосарлар тарбияси, мавсум охирида энг яхши футболчини танлов асосида аниқлаш, солиқ билан боғлиқ имтиёзларни йўлга қўйиш, футболга дахлдор конвертация ишларини амалга ошириш, болалар учун тўплар ишлаб чиқариш, шунингдек спорт мактаблари, билим юртларида ҳақ тўлашни умумтаълим мактабларидаги ҳолатга мослаштириш каби юмушлар амалга оширилганки, бу ҳаммаси юртимизда спортнинг мазкур турини янада ривож топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ватанимиз юзи ҳисобланган бош терма жамоанинг илк марта жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этгани ҳам ютуқлар сирасига киради. Олимпия терма жамоамиз Ҳиндистонда ўтказилган халқаро турнирда, ёшларнинг Қирғизистондаги халқаро баҳсда иккинчи бўлишлари, ўсмирларимизнинг эса Марказий Осиё биринчилигида ғалаба қозониши ҳам қувонарлидир.

Афсуски, футболни ривожлантиришга бағишланган қарорнинг асосий бандлари бажарилмай қолмоқда. Мазкур ҳужжат эълон қилинганига икки йилдан ошди. Лекин футболнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўйингоҳларни таъмирлаш ҳамон жаҳон андозаларидан орқада экани ташвишланарли. Спорт моллари, футбол анжомларини кўпроқ ишлаб чиқариш учун қарорда қайд этилганидек қўшма корхоналар имкониятидан фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Айни пайтда ҳамиша катта зарурат тақозо этаётган мутахассис тренерларни тайёрлаш ҳам талабга жавоб беради, дейиш қийин. Мураббийлар малакаси талаб даражасида бўлмаса, улар

Марҳабо, футбол баҳори

уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги ҳокимликлар билан ҳамкорликда футбол учрашувлари чоғида мухлисларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш юмушларини кўнгилдагидек ташкил қилолмаяптилар.

Футбол клубларининг ташкил этилиши, уларда профессионал ўйинчиларнинг фаолият кўрсатиши, пировард натижада бундай хўжаликнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши, даромад манбаига айланиши кўзда тутилган. Тўғри, «Қизилқум», «Хоразм», «Сурхон», «Дўстлик» каби жамоалар ўзларининг ёрдамчи хўжаликдан фойда олиш масаласини ҳал қилишган. Олий ва биринчи лиганинг қарийб қирқ клубидан ўнтасида ўтган йил якунида ўзаро ҳисоб-китоблар муваффақиятли бўлди. Қолганларида эса қарзга ботиш борлиги кўзга ташланди. Назаримизда, бундай камчиликлар «Пахтакор», «Дўстлик», «Насаф», «Нефтчи», «Навбаҳор» каби жамоаларидагига ўхшаш илмий гуруҳларнинг тузилмаганидан бўлса керак.

Маълумки, биз бу йил истиқлолнинг етти йиллигини нишонлаймиз. Демак, етти йилдан бери миллий чемпионат байроғи кўтарилмоқда. Ютуқлар ўз йўлига-ю, фаолиятимизга жаҳон андозалари асосида назар соладиган бўлсак, амалга оширадиган ишларимиз кўплиги аён бўлади. Маълумки, чемпионларимиз кубок соҳиблари Осиё баҳсларида иштирок этишмоқда. Бу яхши албатта. Аммо, шу пайтгача ишқибозларни қувонтирадиган натижалар бўлгани йўққа. Ҳеч бўлмаганда Осиё чемпионлари ёки кубок эгалари кубоги баҳсларида ўзимизни кўрсатиб, эътибор топиш учун имкониятларимизни ишга солсак бўлмасмикан. Омад юришмаганда баҳона топиш, шукр қилайлик деб, ўзимизга юпанч излашдан осони борми? Агар Хиросимада эришилган ғалаба анъанаси сақлаб қолинганида ўйлайманки, бундай эътирозларга ўрин бўлмасди. Ишқ бошқа, ҳавас бошқа дейишади. Бир ўйлаб кўрайлик, мустақиллик бўлмаганида жаҳон чемпионати саралаш учрашувида терма жамоамизнинг қатнашиши ҳақида сўз юритиб бўлармиди. Нега энди ана шундай имконият юзага келганда изланмаймиз. Ватанимиз довруғини ўйлаб, жонкуярлик қилмаймиз. Айтишга осон дейсизми. Тўғри, ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди.



Аммо, ҳар нарсада ҳам одиллик, холислик бўлса самараси ҳам шунга яраша бўлади. Аввало шуни айтиш керакки, ҳар бир клубнинг ривожи учун тўпланадиган маблағни юзага келтириш осонмас. Зеро, ҳамиша ҳам бу маблағ расамади билан сарфланяпти дейиш қийин. Ёшларни моддий рағбатлантиришда эҳтиёткорлик зарурга ўхшайди. Акс ҳолда уларнинг тарбиясига путур етказиб қўйиш мумкин.

Бош терма жамоамизга алоҳида эътибор зарур. Қанийди, олий ва биринчи лига жамоалари, қолаверса, ўсмир ва ёшлар терма жамоалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бош терма жамоани мустаҳкамлашга хизмат қилса. Устоз ва шогирд, яъни мураббийлик ҳаракати урф урса ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Иложи бўлса, бош терма жамоага ўйинчиларни саралашда имонихтиёрни мутлақ бош мураббийга берилгани маъқул. Бу борада таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, илтимосларга ўрин бўлмаслиги керак. Ахир бечора мураббий омадсизлик юз берганда: «фалончи акамнинг сўзини ерда қолдираолмовдим» деб сўнгги сўзига нуқта қўймайдику.

Умуман юртимизда футболни ҳар томонлама ривожлантириш, оммавийликка эришиш, Ўзбекистон футбол мамлакатига айланаётганини ҳис этиш учун жафокашлик ва фидойилик тақозо этилади. Ҳар ғалгидек, бу сафар ҳам футбол мавсуми бошланаётганидан қувонсакда, ижобий ўзгаришлар бўлармикан деган хаёлга борасан кишси. Балки янги мавсумда ҳозирча ишқибозлар умид қилиб турган «Пахтакор» чемпион бўлар. Бразилиялик Убережа Вега да Сильванинг қўли енгил келиб, пахтакорчилар азалий анъаналарини қайта тиклашар. Янги мавсумда шунингдек, «Нефтчи», «Навбаҳор», МҲСК жамоалари яна ғолиблик йўлида маҳорат кўрсатишлари мумкин. Зотан футбол тасодифларга бой дегандек, «Темирйўлчи», «Зарафшон», «Сўғдиёна», «Сурхон», «Андижон» жамоалари чемпионликни орзу қилиб қолишса, ажабмас.

Маълумки, бу йил Франшияда жаҳон чемпионати ўйинлари бўлади. Футболчиларимиз жаҳон биринчилиги учун кураш бошланган йиллари ҳамиша кўтаринки руҳда, ҳужумкорлик билан тўп суришган. Бундан ташқари шу йил кузда Бангкокда Осиё ўйинлари ўтказилади. Ўсмиру ёшларимиз Осиё чемпионатларида иштирок этадилар. Футбол мавсуми олис масофага ўтказиладиган пойгага ўхшайди. Ҳар бир жамоа тайёргарлик машқини тобига етказиб, мавсум бошиданоқ «югуришни» ўрнига қўйса, қачон ва қаерда отга қамчи босишни билса муддаоси ҳам шунга яраша бўлади. Мақсад битта, у ҳам бўлса мустақиллик йилларида юртимизда спортнинг эл севган тури тобора ривожланиб бораётганини амалда кўрсатиш. Ҳозир Осиё мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон эришган натижаларига кўра кучли ўнликдан жой олиб турибди. Жаҳон рейтингида тутган ўрнимиз ҳам қувонарли. Мамлакатимиз бугунги ҳолатда Марказий Осиё республикалари, Эстония, Афғонистон, Белорусия ва Озарбойжондан юқори -- 79-ўринда экани, бултурги ҳолатдан 30 поғона кўтарилганимиздан кўнгиллар сув ичади. Аммо ютуқлар билан кифояланиш ҳеч қачон яхшилик келтирмаган. Бизда йил бўйи тўп тепиш учун барча шароитлар муҳайё. Жаҳон миқёсида назарга тушадиган жамоа ва юлдузларни камол топтириш йўлида астойдил ҳаракат қилаверайлик.

Мирзо АНВАР.

ЛАТИФАЛАР

ВАФОДОР ИТ

Бир одам ит бозорига бориб сотувчидан сўради:

— Бу итингизни қанчага сотмоқчисиз?

— Ўн беш мингга.

— Жуда қиммат-ку!

— Чунки у жуда ақлли ва вафодор ит.

— Бунга ишончингиз комилми?

— Ҳа, чунки тўққиз марта сотганимда ҳам уйимга қайтиб келди...

БОЙЛИК

Эр хотинига деди:

—Менга бойликларимга учиб тегмаганингга қасам ича оласанми?

— Минг доллар берсанг, қасам ичаман, деб жавоб берди хотини.

РОСТГЎЙЛИК

Қиз ўзи билан аҳд-паймон қилган йигитдан сўради:

— Тўғрисини айтинг, мендан бошқаси билан асло яшай олмайсиз-а?!

— Ҳа!... Агар гапларимга ишонмасанг, олдинги учта хотинимдан сўраб кўр.

ҲИСОБ ДАРСИ

Она боласига ҳисобни ўргатмоқчи бўлиб деди:

— Ўғлим, агар сен ўн туманлик шоколад сотиб олсанг, йигирма туманга яна бошқа ширинлик, қирқ туманга писта олсанг, ҳаммаси қанча бўлади?

— Ҳаммаси 170 туман бўлади.

— Қандай қилиб? — деб таажжуб билан боқди онаси.

— Чунки сотиб олган нарсаларимнинг ҳаммасини ўзим ейман, касал бўламан. Сиз доктор чақирасиз ва унга мени даволаши учун 100 туман берасиз.

КИНОЗАЛДАГИ ШОИР

Бир шоир яхши фильм кўриш учун томоша залига кирибди. Залда жой қолмаганлиги учун ўзининг йиғма стулчасини қатор ёнига қўйиб ўтирибди. Шунда назоратчи келиб: — Нима, чиптангизнинг радифи йўқми? — деб сўрабди.

— Радифи бор, аммо қофияси йўқ, — деб жавоб берибди шоир.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

ФАРҒОНИЙНИ ЁД ЭТИБ

Бобокалонимиз қутлуғ тўйини байрамона нишонлаш учун тадбирлар ўтказилмоқда. Корхона ва мактабларда учрашувлар уюштирилмоқда. «Кува ҳаёти» газетаси Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб касаба уюшмалари, «Камолот» жамғармаси ва туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда танлов ўтказишга аҳд қилди. Мақсад бу борадаги ибратли ишларни оммалаштириш. Кува маҳалласида алломанинг ҳаёти ва ижодига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Йиғилишда кутубхона ходимлари, мактаб ўқитувчилари, туман маданият бўлими хизматчилари суҳбат ўтказдилар. Кеча охирида шоир С.Деҳқоннинг «Аҳмад Фарғоний» достонидан парчалар ўқилди.

Неъматилло ҲАСАНОВ.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО» ҳиссадорлик жамияти

Ҳиссадорларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси шу йилнинг 20 март куни соат 15.00 да фирма клубида бўлиб ўтишини маълум қилади.

Кун тартибида ҳиссадорлик пакетларини тақсимлаш ҳамда ҳиссадорлик жамияти Низомига ўзгартиш киритиш ҳақидаги масалалар қайта кўриб чиқилади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ»

Куни кеча республика Билимлар марказида Тошкент кимё технологияси институти талабалари ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Кечани институт ректори, академик Нусрат Парпиев кириш сўзи билан очиб, талабаларга муваффақият тилади.

— Наврўзи олам арафасида ўтказилаётган бундай тадбир билан чегараланиб қолмаймиз, — дейди биз билан суҳбатда институтнинг маънавият ва маърифат бўйича ректорнинг биринчи ўринбосари Ашрап Эминов. — Дастлаб факультетларароо шундай танлов ўтказилган эди. Бугун эса ғолиблар ўзаро беллашади. Яқин кунларда наврўзолди тадбирлари ҳам ўтказилади. Бу ёшларни она-Ватанга, юртга бўлган муҳаббатини янада шакллантиради.

Талабалар ижро этган куй, қўшиқ, рақс ва турли саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Кеча сўнггида ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви биринчи марта «Камолот ва матбуот» мавзуида давра суҳбатини ўтказди. Давра суҳбатида жамғармаларнинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари, «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад, Президент девони Ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари Сафар Остонов, республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқалар иштирок этдилар.

«Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов республикамиз ёшларининг бугунги кундаги интилишлари, муаммолари, келгусидаги режалар хусусида сўзлади.

Шунингдек, матбуот нашрларида ёшлар мавзуси етарлича ёритилмаётгани хусусида, айниқса, Хоразм, Сирдарё вилоят вакиллари жойларда «Камолот»нинг кўнгилдагидек фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳақида куйинчаклик билан гапирдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари келажакда «Камолот»нинг жанговарлигини ошириш чора-тадбирларини белгилаб олдилар.

Саида ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-20-36, 136-54-35.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 2-11-49;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи А. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36136 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 01046

Босишга топшириш вақти 21.00. Топширилди — 22.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ДИККАТ, ЯНГИЛИК!

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ
СБЕРЕГАТЕЛЬНАЯ КНИЖКА

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки

1998 йил

«ОИЛА ЙИЛИ»

деб эълон қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 1 мартидан

«ОИЛА»

пул-буюм ютуқли

ЯНГИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу омонат тури бўйича Сиз «NEXIA», «TIKO», «DAMAS» енгил автомобиллари, «DAEWOO» рангли телевизори ва видеомагнитофонлари, «СИНО» музлатгичи, 2х3 ҳажмдаги гиламлар ҳамда қандил ва шунга ўхшаш бир қатор замонавий уй анжомлари ва пул ютуқларини ютиш билан бирга, қўшимча равишда фоиз даромадларини ҳам оласиз.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати бўйича ҳисоб варақаларини Халқ банкининг исталган туман бўлимида очишингиз мумкин.

«ОИЛА» пул-буюм ютуқли омонати Сиз орзиқиб кутган омонат туридир!

Сиз ютган ютуқ ва олган даромадингиз оилангиз кўрки бўлишида Халқ банки омад тилайди!

Маълумотлар учун телефонлар: 78-53-63, 78-29-45, 173-86-80.